

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ХАЛҚАРО МЕВА-САБЗАВОТ КЎРГАЗМАСИ: ЕТТИ ИҚЛИМ МАҲЛИЁ

"Ўзэкспомарказ" мажмуасида II Халқаро мева-сабзавот кўргазмаси бўлиб ўтди. Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакати вакиллари иштирок этган мазкур кўргазма ўзбек боғдорчилик салоҳиятининг чинакам намойишига айланди.



Уни ўтказишдан мақсад – мева-сабзавот маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланадиган хорижлик ҳамкорларни мамлакатимиз салоҳияти билан таништириш, мева-сабзавот етиштирувчилар, қайта

ишловчи корхоналар ва хорижлик импортёр-савдо компаниялари ходимлари билан узоқ муддатли, истиқболли ва ўзаро манfaatли муносабатлар ўрнатилиш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бе-

риш бўйича битимлар имзолашдир. Павильонларда Ўзбекистонда етиштирилаётган ҳўл, қуруқ ва қайта ишланган мевалар, сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар, шунингдек, зирavorлар

намойиш этилди. Халқаро кўргазмада республикамизнинг барча ҳудудларидан 150 дан ортиқ мева-сабзавот таъминотчилари ва қайта ишлаб чиқарувчилар, тармоқ вазирилари, ўз маҳсулотларини на-

мойиш этиш истагида бўлган идора ва ташкилотлар вакиллари, шунингдек, талабгор экспортёрлар ва чет эллик харидорлар иштирок этди.

Довоми 2-бетда. ➡

МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

"Пойтахт" бизнес марказида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасини ёритиш ва журналист суриштирувини ўтказишга оид касбий малакаларини ошириш" мавзусида икки кунлик ўқув машғулотли ташкил этилди. Тадбирда босма ОАВ ва веб-сайтларнинг ҳуқуқий йўналишда фаолият юритаётган вакиллари иштирок этди.

❑ Таассурот

Бундан қўзланган мақсад – мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини либерallashtириш ва демократallashtириш масалаларини ОАВда ёритишда журналистлар ихтисослашуви, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини сўзсиз таъминлашда ОАВ масъулиятини кучайтириш, журналист суриштирувини ўтказишда касб этикаси қоидаларига риоя этиш, судлар ва ОАВ ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизmlарини йўлга қўйишдан иборат.

Матбуот – жамият ҳаётининг кўзгуси. Матбуотга берилган энг қисқа ва лўнда ушбу таърифни XV асрда яшаган буюк тарихчи Хондамирнинг қуйидаги фикрлари билан изоҳласак, унинг моҳияти янада ойдинлашади: "Айбингни айтгучи киши, бамисоли кўзгу. Қандай бўлсанг, шундай кўрсатади. Агар унга пуфласанг, у ғуборланади ва ўзингни кўрмай қоласан". Тадбирда таъкидланганидек, судлар давлат ҳокимиятининг муҳим бўлини сифатида жамият манфаатларига хизмат қилиши, жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу ўринда, судлар ва фуқаролик жамияти инс-

титутлари, хусусан, ОАВ ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг изчил амалга оширилиши мазкур йўналишдаги ислохотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

– Мустақил суд ҳокимияти ва эркин ОАВ жамиятнинг ислохотларни жамоатчиликка етказиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини сўзсиз таъминлашда ОАВ масъулиятини кучайтириш, журналист суриштирувини ўтказишда касб этикаси қоидаларига риоя этиш, судлар ва ОАВ ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизmlарини йўлга қўйишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев, Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси бошлиғи Абдулло Қодиров ва бошқалар мамлакатимизда ҳар бир соҳада

❑ Агар огоҳ сен...

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқимизга ёт ва навқирон авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш, уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида тарбият ва ташвиқот ишларини амалга ошириб келмоқда.

ЁШ АВЛОД ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Партиянинг Ангрен шаҳар кенгаши ана шундай эзгу мақсадлар ижросини таъминлаш мақсадида политехника касбхона қоллежиде "Жаҳолатга қарши – маърифат" мавзусида очик мулоқот ўтказди.

– Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, кашандалик

ва "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш партияимизнинг доимий эътиборидаги масалалардир, – дейди депутат Абдужаббор Сайдуллаев. – Бугунги тадбирда ҳам ёшларимизга "оммавий маданият" ҳақида тушунчалар берилиб, уларни китобга ва мутолаага эътибор қаратишга ундадик.

Шунингдек, очик мулоқот давомида ёшлар муаммолари тингланди, уларга керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди ҳамда янада сифатли таълим олишлари учун кенг имконият яратиш мақсадида тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ ТАШКИЛОТГА ЯНГИ АВТОМОБИЛЛАР

Нурафшон шаҳрида Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармасининг туман бўлиmlари бошлиқлари ва давлат назоратчиларига хизмат автомобиллари ва мопедларини топшириш маросими бўлди.

❑ Қулайлик

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев, Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси бошлиғи Абдулло Қодиров ва бошқалар мамлакатимизда ҳар бир соҳада

таъсирчан ислохотлар амалга оширилаётгани, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, шу жумладан, ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилишга алоҳида эъти-

бор қаратилаётганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва унга мувофиқ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилиши соҳада ечимини кутаётган долзарб муаммоларни бартараф этиш борасида муҳим қадам бўлмоқда.

Шу асосда ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш ҳамда технология қайта жиҳозлаш, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ва истеъ-

мол қилиш соҳасида шартнома мажбуриятларига сўзсиз риоя этиш, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросининг таъсирчан механизми яратилди. Шунингдек, энергия ресурслари бўйича дебитор қарздорлиқни кескин камайтириш, электр энергияси ва газ тармоқларини янада ривожлантириш имконияти пайдо бўлди.

Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқарма-

сининг туман бўлиmlари ва давлат назоратчиларининг хизмат автомобиллари ҳамда мопедлар билан таъминланиши давлатимиз раҳбарияти томонидан тизимда иш самарадорлигини оширишда кўрсатилаётган ғамхўрлиқнинг амалий ифодасидир. Бунга янги тузилган ташкилот ходимлари яратиб берилаётган қулай шароитлардан унумли фойдаланиш, давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришлари учун масъулият юқлайди.

Тадбир сўнггида Мажбурий ижро бюросининг логотипи ақс этган "Нексия 3" автомобиллари ва мопедларнинг қалитлари тантанали тарзда топширилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар.



26 ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Кеча пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасига келган киши ўзини ғўки мўжизалар майдонига тушиб қолгандек ҳис этди. Шу кун "O'zbekim" миллий қадриятлар фестивали доирасида халқимизнинг бетакрор аянна ва қадриятлари ҳамда удумлари бутун бўй-баста билан намойиш этилди.

ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

"Milliy" телеканали ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган халқ сайли тарзидаги ушбу фестивал ҳақиқатан ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди, десак ҳеч қандай муболага бўлмайдди. Сайилгоҳ кўчаси бўйлаб юрар экансиз, миллий ва замонавий декорациялар уйғунлигида безатилган сахналарда намойиш этилаётган санъатимиз намуналари, ўзига хос кўриниш касб этган маҳсул устасоналарда устазодалар томонидан яратилган тасвирий ва амалий санъат асарлари, дорбозларнинг юксак маҳорати ва халқ уйинлари намуналари барчани ўзига мафтун этди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган миллий таомлар кўриги, либослар намойиши, маҳорат дарслари, миллий ва эстрада санъатимизнинг энг сара намояндалари ижросидаги концерт дастурлари барча иштирокчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши турган гап.

Мазкур тадбирлар доира-



сидан Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонасида ўтказилган ўзбек халқининг азалий ва боқий аъналарига бағишланган "O'zbekim" китоб-альбомининг тақдими алоҳида ўрин олди, десак тўғри бўлади. Зеро, ноёб тарихий ва замонавий ҳужжатлар билан безатилган "O'zbekim" китоб-альбомида Ўзбекистоннинг жўғрофий ўрни, миллий давлатчилигимиз тинсоллари, халқимизнинг моддий ва номоддий бойликлари, асрлар синовидан ўтиб келаётган қадимий меъморий ёдгорликлари, тарихий-маданий мероси намуналари, деҳқончилик, хунарамандчилик

соҳасидаги бой тажрибалар, эл-юртимизнинг юксак маънавияти, олижаноб фазилатларининг бутун куч-қудрати, ғўзаллиги ва жозибаси ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш керакки, мазкур китоб-альбом, унинг саҳифаларидаги нозик дид ва юксак маҳорат билан безатилган, ёрқин лавҳа ва бўёқларда тақдим этилаётган сурат ва ҳужжатлар китобхонлар ва юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар учун нафақат ўзига хос саёҳат, балки Ўзбекистон билан янада чуқурроқ танишишга хизмат қилади.

Довоми 2-бетда. ➡

ХАЛҚАРО МЕВА-САБЗАВОТ КЎРГАЗМАСИ:

ЕТТИ ИҚЛИМ МАҲЛИЁ



Маҳаллий компаниялардан ташқари, кўрғазмада АҚШ, Сингапур, Жанубий Корея, Япония, МДХ, Европа, Осиё мамлакатлари вакиллари қатнашди. Маҳаллий ишлаб

Бошланғич 1-бета.

чиқарувчилар ва хорижлик иштирокчилар ўртасида ўзаро кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш, хорижлик савдо компаниялари мутахассислари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш мақсадида музокаралар

маркази бўлиб хизмат қилди.

Кўрғазма доирасида Тошкент шаҳридаги "Gold Dried Fruits Export" корхонасида медиа-тур уюштирилди. Мазкур кор-



хона мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш, музлатиш би-

лан шуғулланади. Ўтган йили 15 минг тонна сархил, 110 тонна қуритилган, 3 минг тонна музлатилган маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу йил эса, талабдорларга 20 минг тон-

ган маҳсулот етказиб беради.

Шуниси қувонарлики, вилоятимизнинг Янгийул, Пискент, Зангиота туманларидаги 1 минг 200 гектар майдонда корхона учун 20 га яқин турдаги сабзавот, мева ва кўкатлар етиштирилмоқда. Маҳсулотлар Голландия, Россия, Туркия, Швеция, Дания, Украина, Хитой, Бельгия каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Шундан сўнг, хорижлик меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Юқори Чирчиқ туманидаги "Эко агро продукт" масъулияти чекланган жамиятига тақдир этилди. Жамиятга қарашли 140 гектар интенсив боғда олманинг 11 тури, нокнинг 4 тури,

олхўрининг 3 тури, шафтолининг 6 тури ҳамда гилоснинг 4 тури етиштирилмоқда.

– Хозир нок билан беҳини частиштириб, янги мева етиштиряймиз, – дейди жамият ишчиси Шахзод Эргашев. – Яқинда ҳосил оламиз. Медиа-тур баҳона Қозғистон, Беларусдан ҳамкорлар келиб, иш фаолиятимиз билан яқиндан танишишди. Агар шарт-шароитлар маъқул келса, ҳамкорлик қилмоқчимиз. Жаннатмақом юртимизнинг ширин-шакар меваларини кўплаб мамлакатларда севиб истеъмол қилишди.

Беларуснинг "Фрут-реал" компанияси вакили Андрей Думпанинг айтишича, мазкур интенсив боғ унда катта қизиқиш уйғотган. Айниқса, томчилаб суғориш тизими маъқул келган.

Хушханда ТУРСУНБЕКОВА,
Тошкент ҳақиқати
мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАР
НАМОЙИШИ

Албатта, шу кунни моҳир ошпазларимиз томонидан ўзига хос дошқозонда миллий таомимиз – мега-палов тайёрлаш жараёни нафақат ҳамюртларимиз, хорижлик меҳмонларда ҳам бағоят катта таассурот қолдиргани рост. Шу ўринда, рекорд даражадаги ош дамлаш имконини берган дошқозон Олмалик конметаллургия комбинатида маҳсул қийилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дунёда аналог бўлмаган бу қозонда илк марта бағоят авусти ойининг ўрталарида 6 тонна ош тайёрланган. Уша тадбир кеча бўлиб ўтган "O'zbekim" фестивали доирасида пиширилган ва Гиннеснинг рекордлар китобидаги қиришга даъвогар 8 тонналик палов тайёрлашга тадбир вазифини ўтаган эди.

Пойтахтимиз марказидаги ушбу тарихий ҳодиса Гиннеснинг рекордлар китоби вакиллари томонидан бевоқифа кузатиб борилди. Фақат шугина эмас, ушбу жараён "Milliy" телеканали орқали тўғридан-тўғри дунёнинг

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
Тошкент ҳақиқати
мухбири.

Бошланғич 1-бета.

Фахрий аёллар кенгаши

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган жамоатчилик уюшмаларидан бири – фахрий аёллар фаолиятида оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, хотин-қизларнинг оилада тутган ўрни, вазифалари, мажбуриятлари, ўзбек оиласининг тарихий ғуладатлари, удумлари, қадрият даражасига кўтарилган аъёнлари ва бой маданиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этишдек масъулиятли вазифалар муҳим ўрин тутди.

КЎПНИ КЎРГАНЛАР ИБРАТИ

Уюшманинг навбатдаги йиғилишида иштирок этган вилоятимиз шаҳар ва туманларининг ҳар соҳада фаол фахрий аёллари уюшманинг мақсад ва вазифалари билан атрофича танишиб, келгусида амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар режасини тузиб олишди.

Уюшма раиси Муҳаббат Шоюсупова белгиланган режа асосида фаолият юритишда хотин-қизлар кўмитаси билан келишган ҳолда бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Фахрийлардан Зарифа Эшмирова, Индира Халимова, Манзура Мавлонова, Бахтихон Мадамина, Тўлғаной Ҳамроқулловлар чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи аёлларнинг ижтимоий мақомини кўтаришга кўмаклашиш, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўиш истагини пайдо қилиш мақсадида йўналтирилган турли учрашув, давра суҳбатлари уюштириш ҳақидаги тақдирларини билдирди.

Навбатдаги тадбирни Охангарон туманида ўтказишга келишиб олинди.
С. ЭШМАТОВА.

УМР МАЗМУНИ, ҲАЁТ БЕЗАГИ

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, ички ишлар, қасба уюшмалари, "Оила" илмий-амалий маркази, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимидаги ҳамкорлигида Қириқ тумани "Дўрмон" маданият саройида ташкил этилган "Энг намунали оила" кўрик-танловида энг маънавият, ибратли оилалар иштирок этди. Уларнинг ҳар бири ўз тумани, шаҳрининг энг намунали оиласи, обод хонадон эгалари.

Танлов

Табиики, Ватан равнақи, жамият тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар мана шундай соғлом, мустаҳкам оилаларда ўсиб-улғаяди, тарбия топади. Танлов иштирокчиларини замонавий-миллий либослари ярашган, қўллари кўксиди, тавозе билан кўтиб олаётган қириқлик лобар қизлар ҳам шундай ибратли оилаларда, аҳиллик, тоғувлик, ўзаро меҳр-оқибатни тарғиб қилувчи маҳаллаларда, эркин, озод Ватан кучида ўсиб-улғаяётган, тарбия топаётгани шубҳасиз.

Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева очар экан, Ватан ичра кичик бир Ватан – маҳалласи, оиласини обод қилаётган хонадон эгалари вилоятимизда кўп экани, бугунги иштирокчилар уларнинг энг намунали оилалари, саҳнага чиққан ҳар бир оила голиб эканини таъкидлади.

Иштирокчилар танлов-

нинг танишув, савол-жавоб ва турли ҳаётий, оилавий муаммолар, уларга ечим топа олиш жараёнини видеолашда акс эттириш шартлари бўйича ўз лаёқатларини намоиш этиш учун саҳнага кўтарилар экан, етти ёшдан етмиш ёшгача



бўлган оилалар аъзолари, ҳатто саксондан ошган отахону онахонлар чехрасидаги иштиёқ, завқ, шавқни кўриб, беихтиёр тўққиланиб кетди киши. Уларнинг ҳар бири бир олам. Барча-

сида мустақил Ватанига, оиласига садоқат, эл-юртига муҳаббат туйғуларини муҳассам.

Бўстонликлик Қорахўжа ота Нурхўжаев умр йўлдоши Боғдагул ая билан 8 ўғил, 2 қизни тарбиялаб вояга етказган олти беш йиллик мустаҳкам оила соҳиблари. Саккиз келин, икки кўвни ўз фарзандларидек кўришди.

– Пир бадавлат, бахти бекамликнинг сири – бағрикенглик, меҳр-оқибатда, – дейди отахон. – Лекин, фарзанд тарбиясида талабчанлик ҳам керак. Меҳнатсевар, одоб-ахлоқли фарзандлар ҳар бир оиланинг,

инсоний фазилатлар кўзга ташланади. – дейди вилоят ҳокимлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қотибият мудири Насиба Қулбекова. – Ҳар бири бирма-бир тилга олиш, таърифлаш қийин. Лекин, бугунги оилалар мисолида она ва бола саломатлиги, соғлом маънавий муҳитда ўсиб-тарбияланаётган бола-жанрлар тақдирдан кўнгиллар хотиржам бўлиши аниқ. Фақат ёш оилалар ўртасида табиий маданият, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларни кучайтиришга хизмат қиладиган тадбирларни давом эттиришимиз керак.

Шундай қилиб, танловда иштирок этган барча оилалар турли номинациялар бўйича голиб бўлдилар.

Иштирокчилар орасида танлов шартларини маҳорат билан бажарган учта оила алоҳида эътироф этилди. Шундай қилиб, паркетлик Тўраевлар оиласи учинчи, пискентлик Охунжоновлар иккинчи, Бўха туманилик Эркиновлар оиласи биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Тадбир якунида иштирокчиларга фахрий ёрлик, китоблар ва эсдалик совғалари топширилди.
Сайёра РИХСИЕВА,
Тошкент ҳақиқати
мухбири.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.

Мурувват

Чиноз тумани "Ойдин" маҳалласида яшовчи Гулнора Миршарипованинг қайфияти чоғ. Сабаби туман ҳокимлигида ўтказилган тадбирда унга Президент совғаси – телевизор тақдим этилди.

У замонавий телевизор олишни анчадан бери орзу қиларди. Мана, ниҳоят ниятига етди.

Вилоят, туман ҳокимлиги ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди

ОБОД БЎЛГАН КЎНГИЛЛАР

ҳамкорлигида ўтказилган мазкур хайрия тадбирида Чиноз ҳамда Куйи Чирчиқдаги кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, 14 нафар ногиронга аравачалар топширилди.

– Бизни эслаб, ҳолимиздан хабар олиб турган давлатимизга мингрэхмат, – дейди "Нав-



рўз" маҳалласида яшовчи Гулзина Усмонова. Хайрия тадбирларида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар

кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.
Ў. МУХБИРИНИ,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ҲАР ЙИГИТНИНГ ОРЗУСИ

Мамлакатимизда ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, бир сўз билан айтганда, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидандир.

Очиқ эшиклар куни

Ана шу мақсадда ташкил этилган тадбирлардан бири – "Очиқ эшиклар куни" Ўрта Чирчиқ туманидаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтди. Унда тумандаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус,

касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, қақриққа қадр бошланғич тайёрларлик фани ўқитувчилари, Ёшлар иттифоқи вилоят ва туман кенгашлари фаоллари, оммавий ахборот воси-

талари ходимлари иштирок этди.

Тадбирнинг очишлиш маросимида сўзга чиққан Тошкент ҳарбий округи қўшинлари кўмондони, полковник Лутфулла Бузруков ва бошқалар бугунги кунда миллий армиямиз ва ёшларга яратилаётган шароитлар, имтиёзлар, юртимиздаги барқарор тинчлик ва осойишталик, тараққиёт, ватанпарварлик ҳақида сўз юритдилар.

Иштирокчилар гуруҳ-

ларга бўлинган ҳолда ҳарбий қисмда ҳозирланган кўрғазмалар, жулудан, ҳарбий техникалар, парашютлар, алоқа ва транспорт воситалари, муҳандислик ҳамда тиббиёт жиҳозлари билан яқиндан танишишди. Бундан ташқари, ёшлар ўқув-машғулотларини бевосита кузатиш имконига эга бўлишди.

"Очиқ эшиклар куни" давомида ҳарбий спорт мусобақалари ва бадий-музикалий чиқишлар ҳам бўлиб ўтди.

ОТАБЕК ИСРОИЛОВ.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
РИВОЖИНING
МУҲИМ БОСҚИЧИ

Шу йилнинг 12 июль кўни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишдаги маърузасида партиялар тегишли вазирлик ва кўмиталар фаолияти устидан ўларнинг вакиллик органларидаги фракцияси ва партия гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали амалга ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Саноят, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан "Тарқибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва саноат тармоқларини фаол диверсификация қилиш – мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда саноатнинг юқори технологияларига асосланган тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Харакатлар стратегиясида минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг 649 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, 2017 йилда умумий қиймати 1 млрд. долларлик 145 ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш натижасида 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош маҳсулот ўзлаштирилди.

Пировард натижада, келгуси беш йилда республикада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ЯИМ даги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги улуши 80 фоиздан 85 фоиз-

га ўсиши таъминланади. Йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 8 фоизга қисқартиришга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли мутасадди вазирликлар, кўмиталар ва ташкилотларнинг вакиллари, соҳа экспертлари ва олимлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини янги технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш энг долзарб масалалардан бири экани айтиб ўтилди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни реализация қилишда ортиқча тўсиқларнинг мавжудлиги таъкидланди. Жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тайёрланаётган дори воситаларига қўйилаётган талабларнинг халқаро стандарт талабларига мос эмаслиги, айрим турдаги маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имкониятларининг чеклангани каби ҳолатлар ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар юзага келаятган муаммоларни бартараф этиш, маҳсулот турларини кўпайтириш жараёнида тадбиркорлар олдида пайдо бўлаётган масалаларни ечиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давра суҳбати якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

А. УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасининг
Саноят, қурилиш ва
савдо масалалари
кўмитаси аъзоси.

БЕБАҲО НЕЪМАТ
САОДАТИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия вилоят ва шаҳар кенгашлари вакиллари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маданият ва санъат намояндалари, ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамлакатимизда навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда юрт келажиги учун дахлдорлик туйғусини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобга қизиқиш, мутлола маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

– Ўқув масканида би-

лимли, мустақил фикрлайдиган, юртимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларни ўзига ҳам дахлдор деб биладиган фаол ўқувчилар кўпчилиги қувонарлиқ. – дейди партия вилоят кенгаши раиси У. Шоумаров. – Янги ўқув йили энди бошланган бўлса-да, илмга чанқоқ болалар дарсларда фаол қатнашмоқда. Улар билан мулоқот давомида кўзларидидаги ишонч, аниқ мақсад ва қатъий ҳаракатни кўриб, қалбнинг фахр-ифтихорига тўлади.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ихросидаги куй-қўшиқлар, ўқувчилар томонидан намоиш этилган бадиий чиқишлар барчага кўтаринки қайфият бағишлади.

А. МУСАЕВ,
ЎзА мухбири.

□ Нишордорларимиз

ХУНАРНИНГ ХОСИЯТИ

Мамлакатимизда халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган анъаналаридан бўлиши хунармандчиликни ривожлантириш, унинг турли йўналишлари билан шугулланувчиларнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантиришга доимий эътибор бериб келинмоқда.

Бугун Пискент туманида ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, касб-кори билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган хунармандлар кўп. Улар орасида Ҳасан Дўсматовнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олишди. Бу бежиз эмас, албатта. 1995 йилда Тошкент алоқа касб-хунар коллежини тамомлаган Ҳ. Дўсматов маиший хизмат кўрсатиш корхонасида этикдўз сифатида элга хизмат кўрсатиб келмоқда. 2014 йил унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Шу йили у "Хунарманд" уюшмасининг туман бўлимига аъзо бўлиб кирди. Бу унга нафақат хунармандчилик фаолиятини кенгайтириш, балки, ўзининг чарм маҳсулотлари ва пойабзал тайёрлаш йўналишидаги хусусий устохонасини ташкил этиш имкониятини яратиб берди. Фақат шугина эмас, бу ерда "Устоз-шогирд" мактабини йўлга қўйиб, ёшларга ўз хунари сирларини ўргата бошлади.

Яхши уста ўз миҳозини, сифатли маҳсулот харидорини топади, деганларидек, Ҳасан Дўс-

эгаллаб улгуришди, ҳатто, жажжигина қизалоғи Шодияхон ҳам уларга яқин кўмакчи. Пискент ҳудудида "моҳир уста", деб ном қозонган Ҳ. Дўсматов шогирдларининг сафи 80 нафардан ортиди. Бугун улар туманининг турли ҳудудларида ўз фаолиятларини йўлга қўйиб, эл қорига яраб келишмоқда.

Яқинда туман бўйлаб яхши хушхабар тарқалди. Президентимизнинг Фармонида мувофиқ, Ҳасан Дўсматов "Шухрат" медали билан тақдирланди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан хунарим шунчалик эътироф этилиб, Ватанимизнинг юксак мукофотида муносиб кўрилганидан бошим осмонга етди, – дейди уста. – Юртимизда мен сингари хунармандларга берилаётган бундай эътибор бизни янада кўпроқ изланишга, халқимизнинг қадимий касб-корларини ривожлантиришга ундайди. Келгусида ҳам ўз фаолиятини кенгайтириш, соҳага илгор технологияларни жорий этиш ҳисобидан маҳсулот сифатини ошириш, хорижикидан қилиш-майидан пойабзаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва халқимизга хизмат қилишни кўнгилмга тукканман.

Юлдуз ҲАЗИЕВА.

ҲОРМАНГ,
МАШКУРА ОПА!

Энг улуг, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик айёми арафасида "Народное слово" газетаси таржимони Машкура Зоҳидова Президент Фармонига биноан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

"Меҳнат қилган элда азиз", дейди доно халқимиз. Вилоятимиздан етишиб чиққан камтарин ижодкор Машкура Зоҳидова "Ангрен ҳақиқати", "Ангренская правда", "Ташкентская правда" ва сўнгги 12 йил давомида "Народное слово" газетасида ўз вазифасига масъулият билан ёндошадиган, билимдон ва малакали журналист сифатида эътибор қозонди. Газета саҳифаларида, унинг муштарийлар томонидан эътироф этилган бир қатор долзарб мавзулардаги таҳлилий мақолалари чоп этилди. Шунингдек, таҳририятда ўзбек ва рус тиллари мукаммал биладиган ижодкорни моҳир таржимон сифатида ҳам ҳурмат қилишди.

– Шодлигимни сўз билан ифода этмайман, – дейди у. – Ватанимизнинг энг юксак мукофотларидан бирига муносиб кўрилганидан қанчалик қизиб қолган бўлсам, камтарона меҳнатларинг ўз рағбатини топиб турганидан кейин шу ишонч, шу рағбатларга янада муносиб бўлгунг келаркан.

Машкура Зоҳидова ҳозирги кунда таржимон вазифасида ишлаш билан бирга ёш журналистларга ижтимоий-сиёсий мавзулар бўйича маҳорат сабоқларини бериб келмоқда. Жонқуяр мураббий, та-



лабчан устоз сифатида таҳририятнинг ҳар бир ходимида чин дилдан ёрдам кўрсатишга ошқоқди.

Демак, инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, ўз касбига меҳр қўйиб, сидқидилдан меҳнат қилса, Ватан тараққиёти, келажига ўзини дахлдор, деб билса, албатта, обрў-эътибор топади, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади. Ўйини, Ватан ўз фидойиларини ҳамиша ардоқлайди.

Ҳорманг, Машкура опа!
Санда ИКРОМОВА.
Қобилжон ҲОҲУРОВ
олган сурат.

Газета ва газетхон



Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ташкил этилаётган учрашув ва қабулларда фуқароларимиз ўзларини қизиқтираётган саволлар билан мутасаддиларга мурожаат қилиб, муаммоларига ечим топишмоқда. Бу жараёнда "Тошкент ҳақиқати" газетаси ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Газета саҳифаларида турли соҳаларга оид муаммолар ечими ҳақида мутахассисларнинг фикрлари чоп этилмоқда.

Куйида вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг юрисконсулти Наргиза АСАДОВА муштарийларимизнинг тизимга оид бир қатор саволларига жавоб беради.

ДАМ ОЛИШ КУНИ
ИШДАН БЎШАТСА
БЎЛАДИМИ?

– Таътиллار жадвалига кўра, ходим таътилга чиқиши керак. Бунда у кейин ишдан бўшатган ҳолда таътил беришни сўраб ариза ёзди. Иш берувчи имзо қўганидан кейин ходимнинг таътили шанба, яъни дам олиш кунини тугатиши аниқланди. Таътилда кейин меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа қайси санаги кўрсатиш зарур?

С. САБУРОВА,
Янгийул шаҳри.

– Одатда, охириги иш кунини меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб ҳисобланади (МКнинг 107-моддаси 2-қисми). Бироқ кейин ишдан бўшатган ҳолда таътил берилаётган бўлса, таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб ҳисобланади (МКнинг 152-моддаси 1-қисми). Шу тариқа буйруқ ва ходимнинг меҳнат дафтарчасида таътил тугаган кун – шанба меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб кўрсатиш лозим.

«ҚАНД КАСАЛИ»ГА ҚАНЧА НАФАҚА ТЎЛАНАДИ?

– Қанд касаллиги билан оғриган беморларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қандай миқдорларда тўланади?

А. НУРМУҲАМЕДОВА,
Олмалик шаҳри.

– Қанд касаллиги билан оғриган беморларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси Давлат ижтимоий сурғатси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг (8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 28-бандига мувофиқ, қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажининг 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга – иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;

б) умумий иш стажининг 8 йилгача бўлган ходимларга – иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди.

Низомнинг 27-бандида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар

(сил касаллиги, онкология касалликлари, ўта хатарли касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга тўловнинг анча юқори миқдорлари назарда тутилган. Қанд касаллиги (диабет) уларга қирмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмағлиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмағлиги лозим (Низомнинг 30-банди).

Хуришда НАЗАРОВА.

УЧ СОТИХДАН 15 МИЛЛИОН

Томорқа қўшимча даромад манбаи, деганларича бор. Айниқса, кейинги пайтда ўзига қарашиб ердан умумли фойдаланаётган кўплаб юртдошларимиз яхшигина даромад орттириб, уй қуриб, тўйлар қилишмоқда, орзу-хаёс қўришмоқда.

□ Томорқа – хазина

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, янгийулликлар бу борада кўпчиликка ибрат ва намуна бўлиб келаётир. Маълумотларга кўра, бугунги кунда туманда 36 минг 161 хонадон ўз томорқасига эга. Улар томонидан 5 минг 12 гектар ер майдон тасарруф этиб келинмоқда. Шунингдек, хонадонларда 4 минг 590 та иссиқхона мавжуд.

Бу борада ниёзбошликларнинг олдида тушадигани

кам топилади. Бу бежиз эмас. Бугун мазкур қишлоқдаги кўплаб хонадонда иссиқхона мавжуд бўлиб, улардан йилга 3 марталаб ҳосил олинмоқда. Томорқаларда етиштирилган маҳсулотлар ички бозорларимизни таъминлаш билан бирга, қўшни республикаларга ҳам экспорт қилинаётир. Кишлоқдаги "Пахта", "Гулбоғ", "Иттифок", "Намуна" маҳаллалари вакиллари – Нигора Рўзиматова, Алишер Одилов, Шухрат Абдухалилов сингари ишнинг кўзини билган миришкорларнинг тажрибаси бошқа туман ва қишлоқлар аҳолиси орасида оммалашмоқда.

Халқда: "Яхши гапнинг

қанот ёзгани, яхши ишнинг тарқалгани давлат", деган гап бор. Шу маънода, тумандаги 3 минг 500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб келаётган "Қўшғоқ" маҳалласида ҳам 710 та хонадоннинг 200 тасида иссиқхона ташкил этилди.

– Уч сотихли иссиқхонам бор, – дейди Ихтиёр Жўрабоев. – Қишда қўкат етиштирамиз. Эрта кўкламда бодринг ва помидор кўчатлари ўтказамиз. Шу тариқа, йилга 15 миллион сўмгача даромад топаёмиз. Мухими, оила аъзоларимиз ишли, фарзанд ва набиралар эса деҳқончилик сирасорларини ўзлаштирамоқда.

Албатта, томорқадан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил олиш омилкорликни талаб қилади. Маҳаллада Фарход Нишонбоев, Санжар Холдоров каби хонадон соҳиблари ҳам ана шу таомилга амал қилиб, ўз иссиқхоналарида турли резаворлар, помидор, булғор қалампир каби маҳсулотларни етиштириб, эл дастурхонига тортиқ қилишмоқда.

Умида ИСАЕВА.

□ Эзгулик

Вилоят ИИБ ташаббуси билан Бўқа туманидаги 15-Меҳрибонлик уйида хайрия тадбири ўтказилди. Тадбирнинг мақсади – тарбияланувчиларга маънавий далад бўлиш ҳамда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эди.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ
УЛАШИБ...

Дастлаб Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар топширилди. Болалар ижросидаги куй-қўшиқлар, шеърлар рақслар тадбир қатнашчиларига бирдай манзур бўлди. Улар учун туман ҳудудида кўчма ҳайвонот боғи ва цирк томошалари ташкил этилди. Шунингдек, "Қўлдоштепа" маҳалласида яшовчи 1-гурух ногирони Нуриддин Аблаев ва Жамила Турсунова-

ларга ҳам байрам совғалари тақдим этилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, вилоят ИИБ ходимлари томонидан ички ишлар органларида хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оиласидан доимий хабар олиб турилади. Янги ўқув йили арафасида 65 нафар бола-жонга мактаб учун зарур ўқув қуроллари топширилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кунини

Вилоят ҳудудида бир ҳафта мобайнида 118 та жиноят қайд этилди.

1990 йилда туғилган Илс Даллиев (исм-фамилияси ўзгаририлган) Сурхондарё вилоятида яшовчи, 1988 йилда туғилган Содиқ Латиповнинг Тошкент туманига сотиш учун олиб келган 120 миллион сўмлик 24 бош қорамоллини "10 кун ичида сотиб бераман", деб алдайди. Лекин шу кунга қадар пулини қайтариб бермаган. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Содир этилган жиноятларнинг 110 таси "иссиқ изи" йўқолмасдан фоз этилди ва тезкор тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Баданга шикаст етказиш, ўғрилик, фирибгарлик бўйи-

ча айбдорларни қидириб топиш ва уларни қонун доирасида жавобгарликка тортиш борасида барча тергов ва тезкор чоралар қўрилмоқда.

Ҳафта давомида қидирувда юрган 19 киши ушланди. Шунингдек, Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ИИБ терговидан қочиб юрган шахс қўлга тушди. Илгари содир этилиб, очилмаган қотиллик ва ўғрилик фоз этилди.

Яна мисолларга мурожаат қиламиз. 27 август

куни Охангарон тумани Эйвалеқ қўғонига яшовчи 1979 йилда туғилган Т. Нурманов (исм-фамилияси ўзгаририлган) ўзаро жанжалда таъини Қобилжон Шерматовнинг бошига кетмон билан уради. Бўстонлик туманида яшовчи, "Чолдор" фермер хўжалигига тегишли "Туяқуш" хўжалик биносида қорувул Э. Норбеков иш жойидаги ўзаро жанжалда қариндоши Х. Донёировни қорин қисмига ош пичоғини санчди. Ҳар икки вазиятда ҳам жабрланувчилар оғир аҳволда шифохонага ётқизилган.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи 1970 йилда туғилган

Умрзоқ Ўлмасов ИИБга ариза билан мурожаат қилди. "Асилбек" дўкони олдида ўтиб кетаётган вақтида 3 нафар номаълум шахс унинг нарх-минан 900 минг сўмлик телефони ва 300 минг сўм пули бўлган сумкасини тортиб олганини маълум қилган. Тезкор чоратадбирлар натижада ушбу жиноятни Чирчиқ шаҳрида яшовчи 1999 йилда туғилган йигитлар содир этгани аниқланди, улар ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан иш қўзғатилди.

Хуришда НАЗАРОВА.

МОЛИЯВИЙ МУАММО
ҲАЛ БЎЛСА БАС...

Яқинда Охангарон тумани Қорахитой қишлоғида "Sardor-kom" корхонаси ишга тушиши кутилмоқда. Бу ерда келгусида олма шарбати ва концентрат ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда 13 гектар майдонда қурилиш ишлари авжида.

□ Жараён

– Қурилиш ва монтаж ишларини ўз ишининг устаси бўлган малакали мутахассисларга топширганмиз, – дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Хусниддин Умаралиев. – Бунда замонавий энергияни тежовчи қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилмоқда. Корхонанинг энергия, газ ва сув таъминотида муаммо бўлмайди. Бу эса, ишлаб чиқариш жараёни, сувни тозалаш ва ҳаво алмаштириш тизими узлуксиз ишлашини таъминлайди.

Омборхона 1 минг 300 тонна олма концентратни сақлаш қувватига эга бўлади. 2018 йилнинг бошида Нидерландия, Германия, Польша ва Туркиядан сўнгги русумдаги технологик линиялар келтирилиши кутилмоқда. Инвестицион лойиҳанинг қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлиб, 90 киши иш билан таъминланади.

Маҳсулотнинг биринчи партияси кейинги йилнинг қуздан чиқарилади. Уларнинг барчаси экспортга йўналтирилади.

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича рентабелли ташкилотлардан бири бўлади. Харажатлар 3-4 йилда ўзини оқлайди. Келгусида замонавий иссиқхона хўжалиги ташкил этилиб, юзлаб гектар майдонда мевали дарахт кўчатлари экилади, томчилаб суғориш йўлга қўйилади. Бу вазифаларни амалга оширишда корхонадагилар "Ўзбекзоиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ҳамда Охангарон тумани ҳокимлиги ёрдамига таянмоқда.

Лекин, афсуски, лойиҳани молиялаштириш бўйича ечимини қутаётган саволлар ҳам йўқ эмас. Лойиҳани қўллаб-қувватлаш банклар орқали амалга оширилиши кўзда тутилган. Шу боис, "Миллий банк"нинг вилоят бўлими раҳбарияти мазкур лойиҳага эътибор қаратишларини истардиқ. Корхона раҳбарияти молиявий ташкилотлар билан самарали ҳамкорликка умид қилмоқда.

Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушса, ҳар йили экспортга 5 минг тоннадан зиёд экологик тоза маҳсулот жўнатиш имкони юзага келади. Барча даромад корхонани кенгайтиришга сарфланади. Келгуси босқичда мевали поре, жем ва таркибда шарбати бўлган хуштазм ичимликлар ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Хуришда НАЗАРОВА.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишинишнгиз мумкин.



□ Мавзуга қайтиб

Ҳозирги кунда тўйларимизни ихчамлаштириш ҳақида турли мулоҳазалар билдирилмоқда. Сўнгги пайтларда тўйларда яхши анъана кўзга ташлана бошлади. Маҳалламиздаги аксарият никоҳ тўйларида "Келинсалом" шу куннинг ўзиде ўтказилапти. Бироқ, бу хусусда баъзи мулоҳазаларимизни ҳам айтмай йўқ.

КАРВОН КЎРДИМ, «ТУЯ»ЛАРИ БЎЗЛАБ БОРАР...

...Келин-куёв бошдан-оёқ ялтироқ мунчоқлар билан безатилган машинада, куёв ва келиннавкарлар эса бир хил русумдаги хорижий машинада кўчани тўлдириб кетишапти. Сўраб-суриштирсак, битта куёвнавкар машинасида кўчани тўлдириб кетишапти. Сўраб-суриштирсак, битта куёвнавкар машинасида кўчани тўлдириб кетишапти.

Тўйга бордик. Дастурхон тўкин. Бу ҳақда бирон гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Хайриятки, "Love story", деб аталмиш севги қиссаси қўйилмади. Бунга қизнинг отаси рухсат бермабди! Лекин, барибир, келин-куёв вальсга ту-

қабул қилволади. Хуллас, қирқ кун тўй...

Бунақанги тўй тадбирларини, йўқ тадбирлар эмас, ташвишларини камайтириш учун қатор таклифлар ҳам ўртага ташланаёпти.

Туманимизда ихчам ва одми, намунавий тўйлар ташкил этаяпмиз, — дейди Ўрта Чирчиқ туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳаббат Назарова. — Яқинда бўлиб ўтган эҳтиёжманд оила фарзандларининг тўйларини ибрат қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ортиқча дабдабадан ҳоли, ихчам, энг асосийси, халқона, миллий руҳда ўтказилди. Унда фольклор-этнографик жамоаларнинг



шишиди. Уйлаб қоламан, куёв "Дилхирож"га ўйнолмайди, келин "Тановар"ни умрида ешитмагану, лекин уларнинг вальс тушиши...

Фармонбинининг бир гапи бор: "Хамма кўлидан келган, ўзига ярашган ишини қилиши керак. Кўрпанга қараб оёқ узатмайсанларми?"

Шундай қилиб, тўйни она-хонлар очиб берди. Давра тўрига келин-куёвнинг оналари таклиф этилди. Фарзандларига бахт-саодат тилаши биланок, оналарнинг қўлидаги гўдасталар келин тушириш, куёв кўриш ораусидаги амма-халалар ўртасида талаш бўлди.

Кейин, келин-куёвнавкарларига сўз берилди. Ҳаммалари бир-бирларининг фикрига қўшилишди, маъқуллашди. Аммо, бирор тайинли гап айтишолмади. Ана сизга савия. Худди умрида қўлига китоб ушламаган, ўқимагандек. Ундан кейинги ажабтовур қарсларни айтмай қўя қолай...

Замонавий куй-қўшиқлар билан тўй яқунланди. Энди ҳамманинг хаёли эртанги тадбирларда. Аёллар келинсаломга, йигитлар куёвни "сотиб" топган пулларига қўйхонага боришди. Индинига чарлар. Яна аёллару, ҳалиги навкарларга базм бошланади. Келин тушганига ҳафта ўтмай, ҳафталик келади, қирқ кундан кейин чиллагузарон... Орада Ҳайит бўлса, куёв томон ҳайитлиқни

чиқишлари ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, келин сепини керакли кийим-кечак, бадиий адабиётлар билан тўлдирдик. Дарвоқе, келин-куёвнинг либослари ҳам замонавий-миллий руҳда тикилди.

Ахир, ҳиндистонлик келинлар, хитойликлар ҳам никоҳ тўйида ўзларининг миллий либосини кийишади. Нега энди бизнинг келинларимиз қаёқдаги бачкана келин қўйлақ кийишлари керак? Этаги кенг бўлиб, даврани тўлдирсаю, елкасини ёполмаса... Ахир, ўзбек деганда бизнинг миллий либосларимизни кўз ўнгига келтиришди. Тўғри, дизайнларимиз миллий матоларимиздан либос яратамиз, дейишди. Лекин, қани ўша либослар? Фақатгина кўрғазмага кийиб чиқса бўлади ўша қўйлақларни. Яратишсин, миллий келин либосларини. Агар яхшилаб эътибор берсак, тўй харажатининг, билмадим, бешдан бирими, олтидан бирими, шу келин қўйлақка кетиб қолаяпти...

Ахир, минг-минг йиллар давомида шаклланган асрий анъаналаримизни унуттиш ўзлгимизни унуттиш эмасми? Бизнинг қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз — миллиятимизнинг юзи. Уни шувут қилмайлик, қизартирмайлик...

Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон ёшлар
иттифоқи фаоли.

□ Қибрайдан ёзамиз

МАҲАЛЛАДАН ЖАҲОН МАЙДОНЛАРИГА

Қибрай туманидаги "Қўприқбоши" маҳалласида жойлашган "Хумо" болалар ва ўсмирлар спорт-соғломлаштириш мажмуаси мезбонлик қилган каратэ WKF бўйича очик турнирда 150 нафарга яқин ўғил-қиз голиблик учун куч сынашди.

□ Болалар
спорти

"Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган турнир жисмоний тарбия ва спорт фарзандларимизнинг ҳаётини эҳтиёжига айланиб қолганини намоён этди.

Бундай мусобақаларнинг мунтазам ўтказилиши иштирокчилар орасидан халқаро майдонда юксак натижа кўрсатишга қодир энг истеъдодли спортчиларни саралаб олиш имконини беради, — дейди каратэ WKF бўйича терма жамоа бош мураббийи Комилжон Одилов. — Ўз навбатида, ёш каратэчиларни беллашувларга тайёрлаган мураббийлар ҳам ҳамкасблари билан фикр ва тажриба алмашади.



Очик турнирда ўз ёш ва вазн тоифасида энг юқори натижа кўрсатган спортчиларнинг маҳорати ҳакамлар томонидан баҳолаб берилди. Айниқса, Чирчиқ шаҳридаги 7-мактаб ўқувчиси Тоҳир Турди-пўлатовнинг интилишлари ва истеъдоди муҳлису мутахассисларга ҳам манзур бўлди.

Келажакда машҳур спортчи бўламан, — дейди Тоҳир. — Голиб чиққангидан хурсандман. Бу менинг биринчи олтин медалим. Шунинг учун ҳам унинг қадри баланд.

Мусобақага мезбонлик қилган "Хумо" болалар ва ўсмирлар спорт-соғломлаштириш мажмуаси олти йил муқаддам қурилган. Спорт иншоотида машқ ва мусобақалар ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё. Бу ерда 400 нафарга яқин

ўғил-қиз ҳар куни малакали мураббийлар бошчилигида ўтказиладиган бадиий гимнастика, каратэ, таэквондо, дзюдо, футбол каби қатор спорт турлари бўйича машғул-лотларда қатнашмоқда.

Албатта, бу болалар орасидан халқаро майдонларда юртимиз байроғини сарбанд тутадиган моҳир спортчилар ҳам етишиб чиқади. Энг муҳими эса, уларнинг барчаси жисмоний тарбия ва спорт орқали саломатлигини мустаҳкамламоқда, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, мақсади сари интилиши билан маҳалласи, мактаби ва ён-атрофидаги тенгқурларига ўрнак бўлаяпти.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Қибрай туманининг "Алишеробод" маҳалласида "Арғумок-шер" от спорти клуби ўз фаолиятини бошлади.

ТУЁҒИДАН ЎТ ЧАҚНАБ...

Мамлакатимизда от спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида тоза насли отлар етиштирилмоқда. Ўз навбатида, спортчи отларни парваришlash, шунингдек, истеъдодли ёш чавандозларни тарбиялаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

"Арғумок-шер" от спорти клубида конкур мусобақалари ўтказилди. Баланглиги 120 ва 140 сантиметр бўлган

тўсиқлардан от сакратиш бўйича ўтказилган беллашувларда мамлакатимизнинг энг етакчи спортчилари голиблик учун бахшланди.

Кескин ва мurosасиз ўтган мусобақанинг ҳар икки йўналишида тажрибали чавандоз Аъзам Толиббоев биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Владимир Шмелёвнинг чиқишлари ҳам муҳлису мутахассислар томонидан олқишланди.

Ўз мухбиримиз.



1989 йили 8,2 балли куч билан юз берган зилзила Арманистонни кунпаяқин қилиб юборай деди. Бу табиий офат атиги 4 дақиқа ичида 30 000 дан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлди.

Ана шу даҳшатли дақиқаларда ўзига ишонган степанакертлик бир киши хотинини уйда қолдирди. Ўғлидан хабар олиш учун мактабга югурди. Аммо мактаб ўрнида ҳосил бўлган вайрона тепаликка дуч келди-ю даҳшатдан қотиб қолди. Шунда тўсатдан хаёлига қачонлардир ўғлига берган ваъдаси келди.

— Қандай ходиса юз берма-син, мен албатта, сенга ёрдамга етиб келаман!

Отанинг кўзи ёшга тўлди. У вайронага тикиларкан, бирор чора, нажотни кўрмади, лекин хаёлида ўғлига берган ваъдаси чарх ураверди.

У ўғлини ҳар куни мактабнинг қаерида етаклаб борганини эслашга уриниб, бинонинг ўнг томонидаги бурчақда жойлашган синфни чамалаб топди. Ва харобани кавлашга тушди.

Бу орада бошқа ўқувчиларнинг ҳам қайғуга ботган ота-оналари етиб келишди. Улар алам билан:

— Ўғлим! Қизим! — деб фарёд уришди.

Баъзи ота-оналар:

— Энди кеч!

— Аллақачон ҳалок бўлишган!

— Биз энди уларга ёрдам беролмаймиз!

— Кетдик! — деб қайғуга ботишди. Боланинг отасига ҳам:

— Ақл билан иш тутинг, уриниш бефойда, — деб маслаҳат беришди.

Шундай тасалли билан унга яқинлашган ҳар бир кишидан боланинг отаси бир нарсани сўради:

— Сиз менга ёрдам бермоқчимисиз! — у шундай дерди-ю, қўли ишдан тўхта-

масди. Ишонч билан тошларни кўчириб, вайронани очиб борар, бу ҳаракати билан ўзини тобора ўғлига яқинлашгандай ҳис қиларди.

Шу чоқ, ўт ўчирувчилар командири келиб, ҳаммани ҳайдай бошлади:

— Ҳозир ҳаммаёқни олов қоплайди, портлаш юз бериши ҳам мумкин.

уйингизга боринг, бу ишни бизга қўйиб беринг.

Ота милиционерга юзланди:

— Сиз менга ёрдам бермоқчимисиз? Йўқ бўлса, ишимга аралашман! Милиционер, бунга гапириш бефойда, деган фикрда ундан йироқлашди.

Ота эса бутун иродасини, кучини ишга солиб, харобани кавлашда давом этарди. У ўғлининг тирик ёки ўлиқлигини ўз кўзи билан кўришни истарди.

Орадан 8 соат, 12 соат, 24 соат... 36 соат ўтди. Ниҳоят 38 соат, деганда у улкан бетон бўлагини сураётиб ўғлининг овозини эшитди.

— Арманд! — ўғлини чақирди ота.

— Дада! Бу сизми, дада! Мен тирикман. Келишингизни билардим. Мен бошқа болаларга ҳам, хавотирга тушманглар, дадам бизни қутқариб, дедим. Ахир, сиз менга: "Нимаики юз бермасин, мен албатта, ёрдамга етиб келаман", деб сўз бергансизку, дада.

— У ерда нима бўлаяпти? Аҳволингиз қалай? — сўради ота ўзини йиғидан аранг босиб.

— Ўттиз учта боладан 14 та миз қолдик. Биз ҳаммамиз очмиш, иссиқлаб кетаяпмиз, ҳаво етишмаяпти, қўрқаяпмиз, дада! Ҳаммамиз сизни кутдик. Бино қулаганда биз девор четига туриб олдик, у бизни қутқариб қолди.

— Бўлақол ўғлим, чиқ тезроқ, кутаяпман, — деди ота сўнгги бетон қолдигини суаркан.

— Йўқ, дада, аввал бошқа болалар чиқсин. Мени қутқаришингизга ишонаман. Нима юз бермасин, сиз барибир ёрдамга келасиз, — ўғлининг овозида ишонч ва фохр оҳанглири жаранглади.

Рус тилидан Муҳаббат ҲАМИДОВА таржимаси.

ВАЪДА

□ Ҳаёт сабоқлари



Сиз ўзингизни хавфга қўйманг. Уйга кетинглар. Бу ерни тозалашни ўзиниш уздамаймиз.

Боласини қутқаришга уринаётган ота пинагини ҳам бузмай, ишини давом эттираркан, саволини такрорлади:

— Сиз менга ёрдам бермоқчимисиз?

Атрофини қўриқлаётган милиционер ҳам танбех беришни унутмади:

— Бу телбалик, бунақада бошқаларнинг ҳаётини ҳам хавфга қўясиз,

қулаганда биз девор четига туриб олдик, у бизни қутқариб қолди.

— Бўлақол ўғлим, чиқ тезроқ, кутаяпман, — деди ота сўнгги бетон қолдигини суаркан.

— Йўқ, дада, аввал бошқа болалар чиқсин. Мени қутқаришингизга ишонаман. Нима юз бермасин, сиз барибир ёрдамга келасиз, — ўғлининг овозида ишонч ва фохр оҳанглири жаранглади.

Рус тилидан Муҳаббат ҲАМИДОВА таржимаси.

«Ўсувчи» кийим

Британиялик муҳандис Райан О-сон кашф қилган кийим ёш боласи бор ота-оналарни ортиқча харажатлардан қутқарадиган бўлди.



фотга лойиқ топилди. Муҳандис мукофот пулларини ўзи кашф қилган кийимни ишлаб чиқаришга сарфлайди.

Ўзида одамлар томонидан 30 минг тонна кийим-кечак ташлаб юборилган. Уларнинг аксарияти болалар кийимидир. Чунки, кичик ёшли ўғил-қизлар жадал ўсганига яраша либослари ҳам тез алмаштирилади.

Янги ихтиро мутахассислар томонидан олиқ қарши олинди. Райан О-соннинг меҳнати саноат дизайни соҳасида муко-

Янги турдаги кийимлар икки ёш тоифаси учун мўлжалланган. Биринчи турдаги кийимлар 6-36 ойлик гўдаклар учун мослаштирилади. Кейингиси 2-5 ёшли болаларга тайёрланади.

"Ўсувчи" кийимлар атроф-муҳитни камоқроқ ифлослантириши билан ҳам аҳамиятлидир. Маълумотларга кўра, 2016 йилнинг

Янги ихтиро қилинган болалар кийими энига ва бўйига чўзиладиган пишқ материалдан тайёрланади. Яъни, болалар улғайгани сари, кийим ҳам уларнинг ўлчамига мослашиб боради. Янги турдаги мато чўзилса-да, резинкага ўхшаб юпкалашмайди. Шунингдек, намга чидамлидир. Матонини қайта ишлаш мумкин.

Товус-ўргимчак

Биолог ва сураткаш Юрген Отто Австралидаги Куринг-гай Чейс миллий боғида бешта янги турдаги товус-ўргимчакларни топди.

Мутахассис илк бор рангли ўргимчакни тўққиз йил муқаддам Сиднейда учратган эди. У шундан буён ноёб турларни излайди.

Маълумотларга қараганда, Юрген Отто товус-ўргимчакларга дуч келганида уларни суратга олган. Лекин уйга келиб, расмларни компью-

терга юклаб, улар ҳақида интернетдан маълумот қидириш жараёнида бу янги тур эканини билиб қолган.

Юрген Отто айни пайтда Maratus оиласига мансуб товус-ўргимчакларнинг 48 тури Австралида худудидан топилган.



нани айтмоқда. Машҳур олим янги топилган ўргимчаклар ҳам рўйхатга олинишидан умидвор.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Унда бир неча авлод вакиллари — рангтавар усталари, ҳайкалтарошлар, графика ва амалий санъат соҳаси ижодкорларининг турли даврларда яратилган асарлари ўрин олган.

Тақдим этилган ижод намуналарида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги табиат манзаралари, йил фасллари, кеча ва кундуз кўри-нишлари, заминимиз неъматлари, буюк аждодларимиз, маданиятимизнинг бизга замондош бўлган табиқ-ли вакиллари ва меҳнат аҳли портретлари, турмуш тарзимиздан лав-ҳалар, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳаёт фалсафаси, тарихий шахарларимизнинг турли даврлардаги қўринишлари ифодаланган. Тошкент вилоятининг мафтункор табиятини ақс эттирувчи "Хумсон гуллари", "Олтин Бурчмулла", "Бурчмулла тоғларида", "Чимён", "Чимёнда гулла-ранг дарахтлар", "Чорбоғда баҳор", "Оқтош ўйлари", "Сўқоқда баҳор", "Сўқоқдаги тераклар", "Сўқоқда оқшом" каби қатор ижод намуналари ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмайди, мулоҳазага қорлайди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маънавият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@mail.ru	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Назоратчи мусоҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
---	---	--	--	---	--